



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA**

**MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**JIZZAX POLITEKNIKA INSTITUTI**

# **BITIRUV**

# **MALAKAVIY ISHI**

*Bajardi 410-14 Ekologiya va AMM*

*Ilmiy raxbar*


*Suyunov B*

*Xasanov F*

*Jizzax - 2018*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДИХ раиси  
  
18.06.2018 йил

"УпаММ" кафедраси  
М.Тиркашева  
18.06.2018 йил

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ИЗОХНОМА:**

Маззун "Ўзтрансгаз" АЖ Жиззах вилояти газ таъминоти филиали Жиззах шаҳарга бўлимида атмосферага таълападиган ифлослаштирувчи моддаларнинг чекланган миқдори (ТЧМ) экологик норматив лойиҳасини ишлаб чиқиш

**БИТИРУВ ИШИ ТАРКИБИ**

Тушунтириш ёзуви 66 бет  
График қисми 3 варақ

Талаба: Сўлонов Беганбой

Битирув малакавий иши раҳбари: Хасанов Фурқат Оринбоевич

**Қисмлар бунича маслаҳатчилар:**

1. Хасанов Ф.О.


2. Тайляков А.А.

Текшири:

1. Хасанов Ф.О.

2. Тиркашева М.Б.

**Такризчи:**

1. 

Ҳамид ахмедович

Жиззах-2018 йил

# ЖИЗНАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

"Автотранспорт" факультети "Автотранспорт экологик хавфсизлиги" кафедраси "Экология ва атроф муҳит муҳофазаси" таълим йўналиши 410-14 гуруҳи

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

"Экология ва атроф муҳит муҳофазаси" кафедраси mudiri Б. Ибраҳимов доир. Ибраҳимов М.Б.  
"12" 06 2018 йил

## МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОШИРИК

Талаба Суннов Ёсанибой

1. Битирув ишининг мавзуси "Узтрансгаз" АЖ Жизнах вилояти газ таъминоти фиснали Жизнах шаҳаргаз бўлимида атмосферага таъсирланадиган инфосланттирувчи моддаларнинг чекланган миқдори (ТЧМ) экологик норматив лойиҳасини ишлаб чиқиш.

"21" декабр 2018 йил 372-Т сонли буйруқ билан тасдиқланган

2. Битирув малакавий ишини тошириш муддати 12 июн 2018 йил.

3. Битирув ишини бажаришга доир бошлангич маълумотлар

Корхона бош ва вазиятли режаси, корхона бўлимлари, атроф муҳитни инфосланттирувчи манбалар, ҳосил бўлган ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндилар тўғрисида маълумотлар, қабул қилинган, қайта ишланган ва сарфланган йиллик маҳсулотлар ва метеорологик маълумотлар

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзуварининг таркиби (ишлаб чиқаришган масалалар рўйхати):

Атроф муҳитни инфосланттирувчи манбалар, манбаларда ҳосил бўладиган инфосланттирувчи моддалар, ҳосил бўлган чиқиндилар ҳисоби. Инфосланттирувчи моддалар миқдори, уларни метерларнига яъни рухсат этилган ситими (ИДК)га таххослаш. Ҳосил бўлган ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндилар тўғрисида маълумотлар, уларнинг самарадорлиги, инфосланттирувчи моддаларни камайитириш чора-тадбирлари, умумий ҳулоса, меҳнат ва атроф муҳит муҳофазаси

5. Чизма ишлар (рўйхати) чизмалар номи аниқ курсатилади:

1. Корхона бош режаси М 1:1000.





2. Корхона вазиятли режаси М 1:1000

3. Инфосланттирувчи моддаларнинг атроф муҳитга тарқалиш схемаси М 1:1000

6. Битирув иши бўлчи маслаҳат(лар)

| № | Бўлим мавзуси                    | Маслаҳатчи ўқитувчи Ф И Ш. | Имзоси сана      |                    |
|---|----------------------------------|----------------------------|------------------|--------------------|
|   |                                  |                            | Топшириқ берилди | Топшириқ бажарилди |
| 1 | Топшириқ олиш                    | Хасанов Ф.О                | 15.01.2018       | 20.01.2018         |
| 2 | Кириш ва технологик қисмлар      | Хасанов Ф.О                | 22.01.2018       | 3.02.2018          |
| 3 | Асосий қисм                      | Таймаев А.А.               | 05.02.2018       | 05.05.2018         |
| 4 | Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси | Таймаев А.А.               | 07.05.2018       | 19.05.2018         |
| 5 | Хулоса                           | Хасанов Ф.О                | 21.05.2018       | 26.05.2018         |

7. Битирув ишининг бажариш режаси

| № | Битирув иши босқичларининг номи  | Бажарилити муддати(сана) | Текширувдан ўтганлик беписи                                                          |
|---|----------------------------------|--------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Топшириқлар олиш                 | 20.01.2018               |    |
| 2 | Кириш ва технологик қисмлар      | 3.02.2018                |   |
| 3 | Асосий қисм                      | 05.05.2018               |  |
| 4 | Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси | 19.05.2018               |  |
| 5 | Хулоса                           | 26.05.2018               |                                                                                      |

Битирув малакавий иши раҳбари: Суломонов Б

Топшириқни бажаришга оқдм: Хасанов Ф.О

Топшириқ берилган сана 2018 йил 15 январ

# ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Суюнов Беганбой

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ РАЎБАРИНИНГ ШАХСИЙ ХУЛАСАСИ

Малака иши мавзуси: "Уттрансгаз" АЖ Жиззах вилояти газ таъминоти филиали Жиззах шаҳаргаз бўлимида атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг чекланган миқдори (ТЧМ) экологик норматив лойиҳасини ишлаб чиқиш

Топшириқ бўйича бажариладиган ишлар:

Битирув малака ишининг ҳисоблаш тушунтириш ёзуви 66 барак.  
Битирув малака ишининг график қисми 3 дона.

## БАЖАРИЛГАН ИШНИНГ ҲАЖМИ

Ушбу битирув малакавий ишда "Уттрансгаз" АЖ Жиззах вилояти газ таъминоти филиали Жиззах шаҳаргаз бўлимида атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг чекланган миқдори (ТЧМ), экологик норматив лойиҳаси, ҳудуднинг ҳозирги экологик ҳолати, манбалардаги ифлослантирувчи манбалар ва уларнинг таъсифи, ифлослантирувчи моддаларнинг меъерларига тажжосланиш, ифлосланиш хусусиятлари ва динамикаси куриб чиқилган. Табiiй муҳитни ифлослантирувчи моддаларни камайитириш борасида чора-тадбирлари, умумий хулоса, меҳнат ва атроф муҳит муҳофазаси қисми ишлаб чиқилган.

## АЖРАТИЛГАН ИШГА ТАЛАБАНИНГ МУНОСАБАТИ

Ушбу битирув малакавий ишни бажариш даврида талаба Суюнов Беганбой ўқиб даврида олган билим ва қўникмаларидан тўғри фойдаланди. Беришган топшириқни белгиланган муддатда тўлиқ бажарди. Битирув олди амалиёти даврида йиғилган маълумотларни системалаштириб, таҳлил қилди ва хулосалар чикарди.

Бажарилган ишнинг сифати Битирув малакавий иш "Экологик ва атроф муҳит муҳофазаси" таълим йўналиши даълат таълим стандарти талабларига жавоб беради.

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИНГ ҚАМЧИЛИКЛАРИ:

Битирув малакавий ишда "Уттрансгаз" АЖ Жиззах вилояти газ таъминоти филиали Жиззах шаҳаргаз бўлимида атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг чекланган миқдори (ТЧМ) ўргинилди. Лекин ифлослантирувчи манбалардан ҳосил буладиган ифлослантирувчи моддаларнинг қорхона жойлашган ҳудудда атмосферага фолли таъсироти ўрганиш ва иқтисодий зарарни аниқ ҳисоблаш имқонияти бўлмади.

Раҳбарнинг баҳоси: "Яхши"

Раҳбарнинг фамилияси: проф. Ҳасанов Ф.О.

2018 йил

# ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ ТАҚРИЗИ

Битирувчи Суюнов Беганбой

Мавзу "Уттрансгаз" АЖ Жиззах вилояти газ таъминоти филиали Жиззах шаҳаргаз бўлимида атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг чекланган миқдори (ТЧМ) жологик норматив лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Матлаб ишининг ҳажми: Чизмалар сони 3 дан  
Тушуштириш хати \_\_\_\_\_ варақ

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНING ҚИСҚАЧА МАЪМУНИ:

"Уттрансгаз" АЖ Жиззах вилояти газ таъминоти филиали Жиззах шаҳаргаз бўлимида атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг чекланган миқдори (ТЧМ), атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси аниқланиб ўрганилган Ифлослантирувчи моддалар миқдори, уларни манбага, яъни руҳсат олинган сизими (ИДК)га таққослаш, манбалар инвентаризацияси ҳужжати ишлаб чиқилди. Ифлослантирувчи моддаларни камайтириш чора-тадбирлари, умумий ҳулоса, меҳнат ва агроф муҳит муҳофазаси ўрганилган

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНING КАМЧИЛИКЛАРИ:

Битирув маалакавий ишда Жиззах вилояти газ таъминоти филиали Жиззах шаҳаргаз бўлимида атмосферага ташланадиган моддаларнинг чекланган миқдори (ТЧМ), ўрганилди. Манбалар инвентаризацияси ҳужжати ишлаб чиқилди лекин ифлослантирувчи манбалардан ҳосил буладиган ифлослантирувчи моддаларнинг корхона жойлашган ҳудудда атмосферада фонли таъсирини ўрганиш ва иктисодий зарарни аниқ ҳисоблаш ишлари олиб борилмаган

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНING КУТУҚЛАРИ

"Уттрансгаз" АЖ Жиззах вилояти газ таъминоти филиали Жиззах шаҳаргаз бўлимида атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг чекланган миқдори (ТЧМ), ўрганилаётган ҳудуднинг атроф муҳит ҳолати ўзгариши, мўлжалланаётган объектнинг алтернатив баҳоси ва таҳлили, атроф муҳитга ташланаётган ифлослантирувчи моддаларнинг табиий муҳитга ташланишини камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган

## БИТИРУВЧИНИING УМУМТАЪЛИМ ВА ТЕХНИК САВИЯСИ

Талаба Суюнов Беганбой Давлат таълим стандардида кўйилган талаблар асосида билим ва кўникмаларга эга.

Тақризнининг лойиҳага қўйган баҳоси "Яхши"

Тақризчи С. Суюнов У. Суюнов У. Суюнов

(тақризнининг Ф И Ш)

ИТОМ 2018 йил

## МУНДАРИЖА

|         |                                                                                                                                                                                                                        |  |
|---------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|
|         | Кириш                                                                                                                                                                                                                  |  |
| I БОБ.  | КОРХОНА ХАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА                                                                                                                                                                                          |  |
| 1.1.    | Корхона жойлашган ҳудуднинг иқлим шароити ва рельефи тўғрисида маълумотлар.....                                                                                                                                        |  |
| 1.2.    | Газ тармоқлари ва жиҳозларини ишлатиш жараёнида ифлослантирувчи моддалар миқдорини ва меъёрларини аниқлаш усуллари .....                                                                                               |  |
| 1.3.    | Ташқи газ тармоқларини профилактик тозалаш ва таъмирлаш ишларида атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини аниқлаш.....                                                                                |  |
| 1.4.    | Газ тақсимлаш қурилмаларини профилактик тозалаш ва таъмирлаш ишларида атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини аниқлаш.....                                                                           |  |
| 1.5.    | Қувурларнинг тирқишлари ва уланган жойларидан атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини аниқлаш.....                                                                                                   |  |
| II БОБ. | АТМОСФЕРАГА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР ЧИҚАРАДИГАН МАНБАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УСУЛИ.....                                                                                                                                    |  |
| 2.1.    | Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларнинг морфологик параметрларини аниқлаш .....                                                                                                                  |  |
| 2.2.    | Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларнинг динамик параметрларини аниқлаш. ....                                                                                                                     |  |
| 2.3     | “Ўзтрансгаз” Жиззах вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиалига қарашли “Автотранспорт бўлими”.....                                                                                                                 |  |
| III БОБ | “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти Жиззах вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали 1-туманлараро участкаси Жиззах шаҳаргаз бўлими учун атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг чекланган миқдори (тчм) |  |

|      |                                                                                                                                    |  |
|------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|
|      | экологик норматив лойиҳаси.....                                                                                                    |  |
| 3.1. | Атроф-муҳитни ифлослантириш манбаи сифатида<br>объектнинг тавсифи.....                                                             |  |
| 3.2. | Атмосферага ташланадиган ифқлослантирувчи<br>моддаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдори ва<br>атмосферага тарқалишини аниқлаш |  |
|      | МЕХНАТ ВА АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ.....                                                                                              |  |
|      | УМУМИЙ ХУЛОСА.....                                                                                                                 |  |
|      | АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....                                                                                                            |  |
|      | ИЛОВА.....                                                                                                                         |  |

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари” асарларида “Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиғи, жуда зарурлиғи боис энг муҳим муаммолар жумласига киришини, бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятини яратишини таъкидлаб ўтган. Шунинг учун экологик кулфатлар чегара билмаслиғини назарда тутган ҳолда шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимни жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарур” деб кўрсатиши айнан бугунги кун муаммоларидан бири бўлган экологик муаммолар масаласини ечимини топишнинг имконини беради.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи жараёнини ўрганиш энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариш манбаларини хатловдан ўтказиш (инвентаризация) ва ташламаларнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори (ТЧМ) лойиҳаларини ишлаб чиқиш кенг йўлга қўйилган. Бундай ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳудуднинг қанчалик даражада ифлосланишини аниқлаш ва уларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналардаги ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбалардан чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни меъёр ҳолда ташланишига эришиш комплекс ишларини амалга ошириш режалари ишлаб чиқиш зарур тадбирлардан бири ҳисобланади .

Инсонни ўраб турган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш XXI асрнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди. Сабаби шундаки, илмий-техника инқилоби турли фанлар эришган ютуқларнинг натижаси бўлиб, табиий ресурслардан муддатли фойдаланишга имконият яратди. Бу эса, ўз навбатида,

жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириб, моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга шарт-шароит туғдирди.

Аммо илмий-техника инқилобининг тез суръатлар билан ривожланиши жамият билан табиат ўртасидаги, инсон билан ўраб турган муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни мураккаблаштириб, биосферадаги экологик жараёнларни бошқаришда кутилмаган ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Кўпинча, бу муносабатларнинг ўзгариши сув, атмосфера, тупроқ ва бошқа табиий унсурларнинг жуда тез турли чиқиндилар билан тобора ифлосланиб боришига олиб келмоқда.

Ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарида экологик норматив лойиҳалар (ташламаларнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори)нинг ишлаб чиқиши атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичи ва ундаги ифлослантирувчи моддаларнинг санитар меъёрини белгилашда муҳим ўрин тутди.

### Калит сўзлар

|                                                                                                                  |                                                                                                                                                                                                                                                   |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ифлослантирувчи ташламалар, оқовалар манбаларини, чиқинди-лар пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини хатловдан ўтказиш | Атроф-муҳитга ташланадиган, ифлослантирувчи моддалар ташламалари, оқовалари, чиқиндилар пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини ва уларнинг сифат таркибини аниқлаш, рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш, миқдорини, манбалари параметрларини аниқлаш жараёни |
| Атмосферани ифлослантирувчи манба                                                                                | Ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитга тушадиган моддалар ёки моддалар йиғиндиси туфайли пайдо бўладиган ифлослантирувчи антропоген объект                                                                                                         |
| Зарарли ифлослантирувчи модда ҳосил қилувчи саноат манбаси                                                       | Саноат корхоналаридаги қурилмалар, маҳсулотларни ортиш-тушириш ва сақлаш жойлари.                                                                                                                                                                 |
| Ташкиллаштирилган саноат ифлослантирувчи моддаси                                                                 | Атмосферага махсус иншоат, яъни ҳаво ва газ сўрувчи мосламалар орқали чиқариб юборилувчи ифлослантирувчи модда                                                                                                                                    |
| Ташкиллаштирилмаган саноат ифлослантирувчи моддаси                                                               | Атмосферага газ ва ҳавони сўриб олувчи мосламаларнинг йўқлиги, ёки уларнинг яхши ишласлиги, таъмирланмаганлиги оқибатида маҳсулотларни ортиш-тушириш ва сақлаш жойларида ҳосил бўладиган ифлослантирувчи                                          |

|                                                                                                                              |                                                                                                                                                                                                |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                                                              | моддаларнинг йўналтирилмаган ҳолда чиқариб юборилиши.                                                                                                                                          |
| Ифлослантирувчи модда микдори                                                                                                | Атмосферага вақт бирлиги ичида чиқариладиган ифлослантирувчи модда.                                                                                                                            |
| Зарарли ифлослантирувчи модданинг солиштирма микдори                                                                         | Ифлослантирувчи модданинг вақт бирлиги ичида чиқариладиган микдори                                                                                                                             |
| Ялпи ифлослантирувчи модда                                                                                                   | Манбалардан атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг йиғинди микдори                                                                                                              |
| Газ тозаловчи қурилма                                                                                                        | Битта ёки бир неча газ тозалаш аппаратларидан ва ёрдамчи жихозлардан иборат ҳосил бўладиган зарарли чиқиндиларни тозалаб берувчи ва уларнинг зарарли қисмини ушлаб қолувчи қурилма.            |
| Тозаланиш даражаси                                                                                                           | Тозаланиб ташланган газ ёки ифлослантирувчи модданинг тозаланмасдан олдинги микдорига нисбати                                                                                                  |
| Хавфлилиқ даражаси                                                                                                           | 4-бўлинади: 1-фавқулотда хавfli нарса;<br>2-юқори хавfli нарса;<br>3-сўнуvчи хавfli нарса;<br>4-кам хавф кўрсатадиган нарса;                                                                   |
| Квота                                                                                                                        | Одамга ва атроф-муҳитга таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ташкилот жойлаштириладиган туман учун мўлжалланган, атмосферанинг ер усти қатламидаги ифлослантирувчи модданинг йўл қўйиладиган нормаси |
| Атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддалар ташламалари ва оқова-ларини, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини нормалаш | Табиий ўзгаришлар жараёнида энг сезгир организмлар (индикатор) ёрдамида аниқланган йўл қўйиладиган чегаралар                                                                                   |
| Атроф-муҳитни тахминий-хавфсиз ифлослантириш даражаси (ТХТД)                                                                 | Саноат объектларини лойиҳалаш учун ҳисоблаш методи билан белгиланган атмосферани ифлослантирувчи модданинг вақтинчалик нормативи                                                               |
| Концентрациянинг йўл қўйиладиган чекланган микдори (КЧМ)                                                                     | Одам организмда рефлектор реакцияларини пайдо қилмаслиги керак бўлган ҳаво, сув ва тупроқнинг концентрацияси                                                                                   |

## I БОБ ҚОРХОНА ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

## **1.1.Корхона жойлашган ҳудуднинг иқлим шароити ва рельефи**

### **тўғрисида маълумотлар**

“Узтрансгаз” акциядорлик жамияти Жиззх вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 3 уйда жойлашган.

Корхонанинг умумий ер майдони 1,76 гектарни ташкил қилади. Корхонанинг асосий фаолияти юқори ва ўрта газ тақсимлаш қурилмалари орқали газ етказиб беришдан иборат.

Корхонанинг иш режими 8 соат/бир кеча кундуз, 290 кун/йил. Корхонада фаолият кўрсатаётган ишчи ходимлар сони 1222 киши.

“Узтрансгаз” акциядорлик жамияти Жиззах вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиалида қуйидаги бўлим мавжуд:

1-туманлараро участка:

- Жиззах шаҳаргаз;
- Ш.Рашидов тумангаз;

2-туманлараро участка:

- Пахтакоргаз;
- Зафарободгаз;
- Дўстликгаз;
- Мирзачўлгаз;
- Арнасойгаз;

3-туманлараро участка:

- Ғаллаоролгаз;
- Бахмалгаз;
- Форишгаз;

4-туманлараро участка:

- Зомингаз;
- Зарбдоргаз;
- Янгиободгаз;
- Даштободшаҳаргаз;
- Корхона бош маъмурияти ва автотранспорт бўлими.

Корхона жойлашган ҳудуднинг рельефи текислик, жойнинг рельеф таъсир коэффициентлари 1 га тенг.

Корхона жойлашган ҳудуднинг метеорологик маълумоти ва коэффициентлари жадвалда кўрсатилган.

Корхона бош маъмурияти Жиззах шаҳрида адирлик ҳудудда жойлашган бўлиб қуйидаги иқлим шароитлари билан характерланади:

- Энг кўп иссиқ таркатадиган соатлар ёзнинг энг иссиқ ойларига тўғри келади. Жиззах шаҳрида у ойига 352-384 соат ёки кутилаётган миқдорнинг 82-90 % ини ташкил қилади.

- Жиззах шаҳрида куз ва қиш мавсумида жанубий ғарб томондан, ёзда эса шимолӣй ғарб томондан шамол эсиб туради.

- ёзнинг энг иссиқ ойида ўртача энг юқори ҳарорат 35,9 °C ни ташкил этади. Жиззах шаҳри иқлим шароитига кўра 3 тоифа иқлим ҳудудига киради.

### **Корхона жойлашган ҳудуднинг метеорологик маълумоти ва коэффициентлари**

| № | Маълумотлар номи                                                                                                        | Қиймати |
|---|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| 1 | Ўрта Осиё шароитида зарарли моддаларнинг ноқулай об-ҳаво шароитида энг кўп миқдорини белгиловчи регионал коэффициент, А | 200     |
| 2 | Жойнинг рельефига боғлиқ коэффициент                                                                                    | 1       |
| 3 | Йилнинг энг иссиқ ойидаги ўртача йиллик энг юқори ҳарорати, T°С                                                         | +35,9   |
| 4 | Йилнинг энг совуқ ойидаги ўртача йиллик энг паст ҳарорати, T°С                                                          | - 0,6   |
| 5 | Шамол йўналишининг йиллик ўртача миқдори фоиз хисобида, румбаларда                                                      |         |
|   | Шимол                                                                                                                   | 21,0    |
|   | Ш.Шарқ                                                                                                                  | 11,0    |
|   | Шарқ                                                                                                                    | 7,0     |
|   | Ж.Шарқ                                                                                                                  | 5,0     |
|   | Жануб                                                                                                                   | 5,0     |
|   | Ж.Ғарб                                                                                                                  | 11,0    |
|   | Ғарб                                                                                                                    | 23,0    |
|   | Ш.Ғарб                                                                                                                  | 15,0    |
|   | Штиль                                                                                                                   | 8,75    |
| 6 | Йиллик ёғингарчилик миқдори, мм                                                                                         | 430     |
| 7 | 5 % дан юқори такрорланадиган шамолнинг ўртача йиллик тезлиги, м/с                                                      | 9,0     |

### **1.2. Корхона фаолиятининг технологик аҳамияти**

Жиззах вилоятидаги корхона ва ташкилотларни ҳамда аҳолини табиӣй газ билан таъминловчи “Узтрансгаз” акциядорлик жамияти Жиззах вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали таркибига 4-участкага қарашли 12 та тумангаз бўлимлар ва 2 та шаҳаргаз тизимлари, автотранспорт бўлими жами

15 та объект киради. Ҳар бир туман ёки шаҳаргаз бўлимлари учун жойнинг рельефи, иқлим шароити, газ тармоқлари, газ тақсимловчи қурилмалари ва мос равишдаги бошқа жиҳозлар алоҳида ўрин касб этади.

Газ хўжалиги газ тақсимлаш қурилмалари (ГРП)да босимни бошқариш, шунингдек газ тармоқларининг бир маромда ишлаши, уларни ва улардаги жиҳозларни таъмирлашга мўлжалланган. Газ тармоғида мураккаб тизимга эга бўлган газ ўтказгич тармоқлари қуйидагиларни ташкил қилади:

- юқори босимли –  $12 \text{ кгс/см}^2$  (1,2 Мпа);
- ўрта босимли -  $3 \text{ кгс/см}^2$  (0,3 Мпа);
- паст босимли –  $0,6 \text{ кгс/м}^2$  (0,05 Мпа);

Ҳар хил босимдаги газ ўтказгичлар ўзаро бир-бири билан регулятор ускуналари орқали боғланади. Газ тақсимлаш қурилмаларининг асосий вазифаси газ босимларини пасайтириш бир бир маромда ушлаб туришдан иборат.

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти тасарруфидаги газ хўжаликларида 1 иловаси 1 жадвалида маълумотлари келтирилган газбошқариш (газорегулятор) ускуналари қўлланилади. Газ тақсимлаш қурилмалари (ГРП) технологик схемаларига регулятордаги газ босими ошганда атмосферага ташловчи сақлагич- ташлама клапанлари (ПСК) киради. Газ хўжаликларида ПСК-20.00 м ППК-4 русумли клапанлар ишлатилади.

Газ хўжаликларида атмосферани ифлослантирувчи манбалардаги моддалар табиий газдан ҳосил бўлади. Табиий газ таркиби қуйидагилар: углеводородлар, асосан метан (90 – 96 %). Бундан ташқари газ таркибига олтингурут водороди ( $\text{H}_2\text{S}$ ) ва меркаптанли олтингурут ( $\text{RSH}$ ) қўшилади ва улар қуйидаги миқдордан ошмаслиги керак:

Олтингурут водороди (сероводород) –  $20 \text{ мг/м}^3$

Олтингурут меркаптани -  $30 \text{ мг/м}^3$

Аҳоли пунктларида атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар таркиби меъёри

| Ифлослантирувчи<br>моддалар                               | (Энг катта бир марталик<br>миқдори) ПДК, мг/м <sup>3</sup> | ПГД номи                      |
|-----------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|-------------------------------|
| Метанга ўтувчи<br>углеводородлар                          | 80                                                         | 3-51-141-59/4/                |
| Олтингугурт водороди<br>Табиий меркаптанлар<br>аралашмаси | 0,008<br><br>$5 \cdot 10^{-5}$                             | СН-245-71<br><br>ДБЧВ 4414-87 |

Газ тармоқларидан чиқаётган газларни ёқиш таъқиқланади. Атмосферага табиий газдан ташланадиган ифлослантирувчи моддалар қуйидаги ҳолатларда содир этилади: Газ ўтказгичларда газ босимини энг паст кўрсаткичи ( $80-120 \text{ кгс/м}^2$ ) га туширишда; таъмирлаш-профилактик ишлари ва газ чиқарилиш ҳолатларида; газ ўтказгичларни ювиш ва тозалаш ҳамда ишга тушириш жараёнларида; ГТҚ лардаги ускуналарни регулировка қилишда; газ тақсимлаш қурилмаларининг ҳар хил режимда ишлашини текширишда; сақлагич-ташлама клапанлари орқали газ ташлашда регулятордан кейинги босимнинг ошишида, шунингдек газ ўтказгичлардаги тирқишларда газ чиқишида.

Газўтказгичларда газ ташламалари таъмирлаш вақтларида тармоқ охиридаги потрубка орқали амалга оширилади. Газ тақсимлаш қурилмаларини тозалаш, шунингдек сақлагич-ташлама клапанларида газ ташламалари ҳар бир ГТҚ ларида ўрнатилган свеча орқали амалга оширилади.

Технологик тадбирлар таҳлили натижаси шуни кўрсатадики, атмосферага ташланадиган моддалар доимий равишда ҳам бўлавермайди. Чунки улар эпизодик характерга эга. Газ тармоқларида газ ташламалари тебраниши 8-10 йилда 1 марта, сақлагич-ташлама клапанлари орқали ташламалар ГТҚ йилда бир марта, газ режимини ёз мавсумидан қиш мавсумига, қиш мавсумидан ёз мавсумига ўтказишда бир йилда икки марта содир этилади.

Газ сизиб чиқиши жихозларнинг герметик бўлмаган тирқишларидан, фланцли ва резбали уланиш жойларидан пайванд тирқишларидан юзага келади.

## **1.2. Газ тармоқлари ва жихозларини ишлатиш жараёнида ифлослантирувчи моддалар миқдорини ва меъёрларини аниқлаш усуллари**

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини аниқлашда “Газ хўжалигида ўз эҳтиёлари учун сарфланадиган газ миқдорларини аниқлаш қўлланмаси” (2) дан фойдаланилди.

Атмосферага ташланадиган ташлама газлар миқдори газ ўтказгичларда газ ташлаш орқали ўтказгичлардаги ҳавони чиқариш натижасида ҳосил бўлади.

Ҳисоб ишлари қуйидагича формула орқали амалга оширилади:

$$V_{\text{пр}} = K \times V_c \times (P_a + P_r) / (273 + T)$$

Бу ерда:  $V_{\text{пр}}$  – тозалашдаги ташлама газ ҳажми,  $\text{м}^3$  ;

$P_a$  – тозалаш ишларида атмосфера босими,  $\text{кгс/м}^2$  ёки Па;

$P_r$  – тозалаш ишлари давридаги ишчи босим,  $\text{кгс/м}^2$  ёки Па;

$T$  – йиллик ҳарорат, град К;

Газнинг ўртача ҳарорати ҳар хил мавсумлар учун ҳар хил кўрсаткичга эга:

Январ-апрел  $-10^0\text{C}$

Май-сентябр  $-20^0\text{C}$

Октябр-декабр  $-10^0\text{C}$

$K$  – сон коэффициент, тозалаш сифатини ҳисобга олади. Меъёр шароитда газнинг ҳажми қуйидагича ( $P = 101324$  Па ёки  $10330$   $\text{кгс/м}^2$  ва  $T = 293$  град К) ва босимни ўлчаш бирлигига боғлиқ бўлади;

$K = 0,035$  босимни  $\text{кгс/м}^2$  ўлчовда ўлчаганди;

$K = 0,0036$  босимни Па да ўлчаганди;

$V_c$  – газўтказгичнинг геометрик ҳажми,  $\text{м}^3$

$\Pi = 3,14$

$$V_c = \{ (\Pi \times D^2) / 4 \} \times L$$

Бу ерда  $D$  – газўтказгич кўндаланг кесими, м;

$L$  – газўтказгич узунлиги, м.

### **1.3.Ташки газ тармоқларини профилактик тозалаш ва таъмирлаш ишларида атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини аниқлаш**

Таъмирлаш ва профилактик ишларда ташланадиган ифлослантирувчи моддалар миқдори газўтказгичларда қолдиқ босимни нолгача ва 80-120 кгс/м<sup>2</sup> гача тушириш учун ташлама газлардан юзага келади.

Ҳисоб китоб ишлари қуйидагича амалга оширилади:

$$V_{\text{пр}} = K \times V_c \times (P_a + P_r) / (273 + T)$$

Бу ерда

$V_{\text{пр}}$  – тозалашдаги ташлама газ ҳажми, м<sup>3</sup> ;

$K$  – сон коэффициент;

$K=0,07$  босимни кгс/м<sup>2</sup> ўлчовда ўлчаганди;

$K=0,007$  босимни Па да ўлчаганди;

$V_c$  – газўтказгичнинг геометрик ҳажми, м<sup>3</sup>

$P_a$  – тозалаш ишларида атмосфера босими, кгс/м<sup>2</sup> ёки Па;

$P_r$  – тозалаш ишлари давридаги ишчи босим, кгс/м<sup>2</sup> ёки Па;

$T$  – йиллик ҳарорат, град К.

### **1..4.Газ тақсимлаш қурилмаларини профилактик тозалаш ва таъмирлаш ишларида атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини аниқлаш**

Газ тақсимлаш қурилмаларини профилактик тозалаш ва таъмирлаш ишларида атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар белгиланган режимга мослаштириш жараёнида ҳосил бўлади.

Газ тақсимлаш қурилмаларини профилактик тозалаш ва таъмирлаш ишларида атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддалар миқдори қуйидагича аниқланади:

$$V_{\text{ўтк.қобил.}} = V_{\text{ўтк.қобил.}} \times \tau, \text{ м}^3$$

$V_{\text{ўтк.қобил.}}$  газ тақсимлаш қурилмасининг ўтказа олиш қобиляти,  $\text{м}^3/\text{соат}$ ;

$\tau$  – тозалаш вақти, соат.

Газ тақсимлаш қурилмаларининг ўтказа олиш қобиляти техник паспортида берилади, шунингдек (1) жадвалда келтирилган. Тозалаш вақти 15-20 минутни ташкил қилади.

Профилактик тозалаш ва таъмирлаш ишларида газнинг йиғинди миқдори қуйидагича аниқланади:

$$V_{\text{таъмир}} = \sum V_i \text{ ўтк.қобил.}$$

Газ тақсимлаш қурилмаларида ифлослантирувчи газлар миқдори уларда профилактик тозалаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш харитасида берилади.

### **Газ ташлаш-сақлаш клапанларидан атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини аниқлаш**

Газ ташлаш-сақлаш клапанларидан атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар регуляторда босимнинг ошишидан юзага келади. Бунда тармоқдаги “ортиқча” газлар свеча орқали атмосферага ташланади ва тармоқдаги газ босими камаяди.

Газ ташлаш-сақлаш клапанларидан атмосферага ташланадиган газлар миқдори қуйидагича аниқланади:

$$V_{i \text{ таш-сақ р.}} = V_{i \text{ ўтк.қобил.}} \times \tau$$

$$V_{\text{таш-сақ р.}} = \sum V_{i \text{ таш-сақ р.}}$$

Бу ерда,  $V_{i \text{ таш-сақ р.}}$  - газ ташлаш-сақлаш клапанларидан атмосферага ташланадиган газ миқдори,  $\text{м}^3$ ;

$V_{\text{тап-сақ р.}}$  - газ ташлаш-сақлаш клапанларидан атмосферага ташланадиган газлар йиғинди миқдори,  $\text{м}^3$ ;

$V_{\text{ўтк.қобил.}}$  ўрта босимда белгиланган вақтда газ ташлаш-сақлаш клапанларининг ўтказа олиш қобилияти,  $\text{м}^3/\text{соат}$ ;

$\tau$  – газ ташлаш вақти, соат.

### **1.5. Қувурларнинг тирқишлари ва уланган жойларидан атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини аниқлаш**

Қувурларнинг тирқишлари ва уланган жойларидан атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар миқдори солиштирма йўқолишни ҳисоблаш йўли билан “Газ хўжалиги корхоналарида технологик эҳтиёжлар учун сарфланадиган газ миқдорини аниқлаш қўлланмаси”(7) орқали аниқланади.

Солиштирма йўқолиш  $q$  ( $\text{м}^3/\text{сут}$ ) ўтказувчи қувурларнинг  $l^2$  ички юзасига нисбатан қуйидагича қабул қилинади:

Паст босимдаги газ тарқатувчи газ ўтказувчи қувурлар учун  $q = 0,00072 \text{ м}^3/\text{сут. м}^2$

Ўрта ва юқори босимли газ ўтказгичлар учун  $q = 0,048 \text{ м}^3/\text{сут. м}^2$

Битта газ тақсимлаш қурилмаси учун газнинг солиштирма йўқолиши қуйидагига тенг:

$$q = 14,4 \text{ м}^3/\text{сут}$$

### **Газ ўтказгичлардан ҳосил бўладиган атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини аниқлаш**

Газ ўтказгичлардан ҳосил бўладиган атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддалар миқдори қуйидагича аниқлади:

$$V_{\text{утеч газ.}} = q \times L \times n,$$

Бу ерда,  $V_{\text{утеч газ}}$  – газ хажми,  $\text{м}^3/\text{йил}$ ;  $n$  – 365;  $L$  – кўндаланг кесими мос бўлган газ ўтказувчи қувур узунлиги, м.

Газ ўтказувчи қувурлар ички юзасида газлар миқдорини аниқлашни тезлаштириш учун иловадаги 1.9 жадвалдан, илова 1 “ташқи газ ўтказгичларда газ йўқолишининг солиштирма миқдорини аниқлаш кўлланмаси”дан фойдаланилади. Жадвалда газ йўқолишининг солиштирма миқдори 1 погони метр учун берилган.

**Газ тақсимлаш қурилмаларининг герметик маҳкам бўлмаган  
жойларидан атмосферага тарқаладиган ифлослантирувчи моддалар  
ҳажмини аниқлаш**

Битта газ тақсимлаш қурилмаси учун герметик маҳкам бўлмаган жойларидан атмосферага ташладиган ифлослантирувчи газлар миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$V_{\text{ут. ГРП}} = 365 \times q \times h,$$

Бу ерда  $V_{\text{ут. ГРП}}$  – газ тақсимлаш қурилмаларидан ташланадиган газ миқдори,

365 – бир йилдаги кунлар сони;

$q$  - солиштирма миқдори,  $q = 14,4 \text{ м}^3/\text{сут}$

Газ тақсимлаш қурилмалари учун йиғинди миқдрори қуйидагича аниқланади:

$$V_{\text{ут. ГРП}} = V_{\text{ут. ГРП}} \times n,$$

$n$  – газ тақсимлаш қурилмалари сони.

## **II БОБ. АТМОСФЕРАГА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР ЧИҚАРАДИГАН МАНБАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УСУЛИ**

### **2.1. Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларнинг морфологик параметрларини аниқлаш**

Атмосферани ифлослантирувчи манбаларнинг морфологик параметрларига баландлиги ва уст қисмининг диаметри киради. Манба уст қисмининг диаметри ўлчов лентаси ёрдамида ўлчаш орқали аниқланади. Диаметр қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$D = P/3,14$$

Бу ерда:  $D$  – манба уст қисми диаметри;

$P$  – устки қисм периметри;

Ташкиллаштирилган манбаларнинг баландлиги ўлчаш орқали аниқланади. Горизонт ва оғиш бурчаги ўртасидаги фарқ оғиш бурчагини ўлчаш асбоби ёрдамида аниқланади. Манба баландлигини ўлчашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$H = X \times \operatorname{tg} \alpha, \text{ бу ерда}$$

$H$  – манба баландлиги;

$X$  – манба қувури асосидан ўлчанаётган нуқта орасидаги масофа;

$\operatorname{tg} \alpha$  – горизонт текислиги ва қувур устки қисми орасидаги оғиш бурчаги.

“Узтрансгаз” акциядорлик жамияти Жиззах вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиалида атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш 2017 йил ўтказилди.

Манбаларни ҳисобга олишда ишлаб чиқаришнинг технологик ва кетма-кетлик жараёнлари урганилди. Бундан ташқари фойдаланилган материаллар тўғрисида ҳисобот олинди.

Манбаларни ҳисобга олишда уларнинг маълумотлари, яъни ташкиллаштирилган ёки ташкиллаштирилмаган манба эканлиги ўрганилди. Манбаларнинг ҳақиқий ишлаш вақти, уларнинг чанггаз тозалаш ускуналари билан жихозланганлиги ва самарадорлиги аниқланди.

## **2.2. Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларнинг динамик параметрларини аниқлаш.**

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбаларнинг динамик параметрларига манбанинг устки қисмидан чиқаётган чанггаз аралашмасининг тезлиги ва ҳажми киради. Манба устки қисмидан чиқаётган чанггаз аралашмасининг тезлиги микрометр ёрдамида ўлчанади ва динамик ҳамда статистик босимлар орқали тўғриланади. Манба устки қисмидан чиқаётган чанггаз аралашмасининг ҳажми эса қуйидаги формула ёрдамида аниқланади ( $V = m^3/\text{сек}$ ):

$$V = W \times S, \text{ бу ерда:}$$

$W$  – чанггаз аралашмасининг тезлиги, м/сек.

$S$  – манба устки қисмининг кўндаланг кесим юзаси, м<sup>2</sup>.

Ҳажм аниқ бўлган ҳолатларда тезлик қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$W = V / S = 4 V / \pi D^2$$

**“Узтрансгаз” акциядорлик жамияти Жиззах вилояти бўйича газ  
таъминоти ҳудудий филиалида газ тақсимлаш қурилмалари (ГТҚ)  
тўғрисида**

**МА Ё Л У М О Т**

| Т/р                          | Шаҳар ва<br>тумангазлар номи | Газтақсимлаш<br>қурилмалари<br>жами | Шу жумладан      |                 |
|------------------------------|------------------------------|-------------------------------------|------------------|-----------------|
|                              |                              |                                     | Юқори<br>босимли | Ўрта<br>босимли |
| 1                            | 2                            | 3                                   | 4                | 5               |
| <b>1-туманлараро участка</b> |                              |                                     |                  |                 |
| 1                            | Жиззахшаҳаргаз               | 1257                                | 50               | 1207            |
| 2                            | Ш.Рашидов тумангаз           | 857                                 | 45               | 812             |
| <b>2-туманлараро участка</b> |                              |                                     |                  |                 |
| 3                            | Пахтакоргаз                  | 273                                 | 23               | 250             |
| 4                            | Зафарободгаз                 | 145                                 | 29               | 116             |
| 5                            | Дўстликгаз                   | 219                                 | 18               | 201             |
| 6                            | Мирзачўлгаз                  | 148                                 | 9                | 139             |
| 7                            | Арнасойгаз                   | 140                                 | 11               | 129             |
| <b>3-туманлараро участка</b> |                              |                                     |                  |                 |
| 8                            | Ғаллаоролгаз                 | 773                                 | 30               | 743             |
| 9                            | Бахмалгаз                    | 236                                 | 28               | 208             |
| 10                           | Форишгаз                     | 210                                 | 10               | 200             |
| <b>4-туманлараро участка</b> |                              |                                     |                  |                 |
| 11                           | Зомингаз                     | 303                                 | 25               | 278             |
| 12                           | Зарбдоргаз                   | 265                                 | 57               | 208             |
| 13                           | Янгиободгаз                  | 145                                 | 15               | 130             |
| 14                           | Даштободшаҳаргаз             | 213                                 | 10               | 203             |
|                              | <b>ЖАМИ</b>                  | <b>5184</b>                         | <b>360</b>       | <b>4824</b>     |

Корхона: “Узтрансгаз” акциядорлик жамияти Жиззах вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали 1-туманлараро участкасига қарашли Жиззахшаҳаргаз бўлими.

Ифлослантирувчи моддалар ажратувчи қурилма ва жиҳозлар – 1289 та

Ифлослантирувчи моддалар ташлайдиган манбалар - 20 та

Шундан:

Ташкиллаштирилган манбалар – 15 та;

Ташкиллаштирилмаган манбалар – 5 та;

Чанггаз тозалаш ускуналари (ЧГТУ) - 0

Ялпи ифлослантирувчи моддалар миқдори – 987,122826 тн/йил.

Шундан: қаттиқ ҳолатдаги - 0 т/йил, 0 %;

газ ва суюқ ҳолатда - 987,122826 т/йил, 100 %;

Ифлослантирувчи моддалар: углеводородлар (метан), олтингугурт водороди (сероводород), меркаптан, углерод оксиди, азот оксиди, пропан-бутан.

